

МАРКАЗИЙ БАНК ТЎЛОВ БАЛАНСИНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ДЕВАЛЬВАЦИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА УНИНГ ТАЪСИР МЕХАНИЗМЛАРИ

М.Одилов

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттакўргон филиали
Бизнесни бошқариш таълим юналиши 3-босқич талабаси

Д.Ергашева

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттакўргон филиали
Бизнесни бошқариш таълим юналиши 3-босқич талабаси

О.Н.Хаитов

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттакўргон филиали
ассистенти

Аннотация:

мазкур мақолада миллий валюта девальвацияси моҳиятан импортнинг миллий валютадаги қимматлашуви ва экспорт самарадорлигининг ортиши ҳисобига жорий ҳисобварақ дефицитини камайтиради. Бироқ, бу жараён бирдан юз бермайди. Чунки, биринчидан, ишлаб чиқарувчиларга ташқи бозорларга қайта мослашиш учун вақт керак бўлади, иккинчидан, улар миллий валюта девальвациясига қадар тузилган шартномавий мажбуриятларини бажаришлари зарур.

Таянч сўзлар: валюта, саноат корхоналари, қимматли қоғозлар, капитал бозори, инвестициялар, инновациялар, инвестиция фаолиятига таъсир қилувчи омиллар, солиқ концепцияси, солиқ имтиёзлари, савдо ва бож тарифлари.

Маълумки, миллий валюта девальвацияси моҳиятан импортнинг миллий валютадаги қимматлашуви ва экспорт самарадорлигининг ортиши ҳисобига жорий ҳисобварақ дефицитини камайтиради. Бироқ, бу жараён бирдан юз бермайди. Чунки, биринчидан, ишлаб чиқарувчиларга ташқи бозорларга қайта мослашиш учун вақт керак бўлади, иккинчидан, улар миллий валюта девальвациясига қадар тузилган шартномавий мажбуриятларини бажаришлари зарур.

Шунингдек, импорт қийматининг ошиши натижасида ички пул бозоридаги ортиқча ликвидликка барҳам берилади ва пировардида пулбозори янги мувозанат ҳолатига ўтади. Шу билан бирга, иқтисодий монетизация даражасининг ҳам камайиши кузатилади. Бунинг натижасида, тўловсизлик муаммоси кучаяди, бюджетга тушумлар қисқаради, корхоналарнинг молиявий ҳолати ёмонлашади ва пировардида иқтисодийда пасайиш юз беради.

Агар Марказий банк юқоридаги ҳолатга йўл қўймаслик мақсадида пул эмиссияни чора

сифатида қўлласса, пул бозоридаги мувозанат бузилади, миллий валюта янада қадрсизланади ва юқорида қайд этилган таъсир механизми қайтадан ишга тушади.

Бошқа томондан, жорий ҳисобварақ дефицити миллий хўжалик субъектларининг ишлаб чиқаришнинг ўсиши имкон берадиганданда кўпроқ истеъмол қилиш бўйича қарорлари билан ҳам белгиланади.

Тўлов баланси дефицитини қисқартириш амалий жиҳатдан тушумларни кўпайтириш ёки тўловларни камайтириш, шунингдек, тушумлар суръатларини тўловлар суръатига нисбатан юқорироқ бўлиши ёки тушумлар қисқаришининг тўловлар қисқаришига нисбатан пастроқ бўлиши орқали эришилади. Бу эса, тўлов балансининг икки муҳим жиҳатига, яъни унинг монетар табиатига ва умумиқтисодий вазиятга эътибор қаратишни тақозоэтади.

Шу боисдан, ҳукумат иқтисодий сиёсат дастакларидан бирини ёки уларнинг мувофик комбинациясини танлашига тўғри келади. Фикримизча, тўлов баланси дефицитини бартараф этишда олтин-валюта захираларини етарлича жамлашга устуворлик қаратилиши муҳимдир. Чунки захиралар дефицитни қоплаш ва сиёсат танловида кўпроқ эркинлик имкониятини беради.

Айни пайтда, тўлов балансининг дефицити савдо балансининг салбий қолдиғи натижасида юзага келган ва бу ҳолат ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш мақсадида замонавий ускуна ва жиҳозлар импорти ҳажмининг ортиши натижаси бўлса, унинг иқтисодиётга таъсири ижобий бўлиши мумкин. Аксинча, агар гап инвестиция характерида эга бўлмаган товарларнинг ортиқча истеъмоли ҳақида кетса, у ҳолда иқтисодиётга узоқ муддатли таъсир салбий бўлиши кутилади.

Шу билан бирга, жорий ҳисобварақ дефицитининг асоси бўлиб, даромадлар бўйича салбий қолдиқ ҳисобланса, у ҳолда мамлакат ташқи қарз муаммосини ҳал этиши зарур.

Девальвация сиёсати тарафдорлари маҳаллий экспортни қўллашниасосий қурол қилиб оладилар. Бироқ, фикримизча, биринчи навбатда, девальвацияни қўллашдан келадиган оқибатларни чуқур таҳлил этиш зарур.

Бундай таҳлил учун “реал алмашув курсининг сўнгги пайтлардаги динамикаси, нарх бўйича миллий экспортнинг рақобатбардошлиги, экспорт ва импорт динамикаси, иқтисодиётнинг импортга қарамлиги даражаси (импортнинг ЯИМдаги улуши, экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришда импортнинг улуши) каби кўрсаткичлар танлаб олинishi керак”¹⁰⁰.

Фикримизча, миллий валюта девальвациясининг мамлакат иқтисодиёти учун самараси қуйидагиларда намоён бўлади: аввола, “чет эл компанияларнинг балансари таркибидаги миллий валютадаги харажатларнинг камайишига олиб келади; сўнг, компанияларнинг фойдаси ортиши ҳисобига давлат бюджетига солиқ тўловлари ҳажми ортади; учинчидан, товарлар экспортини рағбатлантиради; тўртинчидан, Марказий банкнинг олтин-валюта захиралари ҳажми сақлаб қолинади; бешинчидан, импорт нархларининг қимматлашиши натижасида аҳолининг импорт товарларидан маҳаллий товарлар харидига ўтиши боис, маҳаллий саноат ривожланади”¹⁰¹.

Сўнгги пайтларда тўлов балансини тартибга солишда “фискал девальвация”дан фойдаланиш ҳоллари ҳам учрамоқда. “Фискал девальвация”га мувофик, тўлов баланси ҳолатини яхшилашга бюджет дефицитини қисқартириш орқали эришилади. “Фискал девальвация” ғояси илк бор Ж.М.Кейнс томонидан 1931 йилда илгари сурилган бўлса-да, уни амалиётда қўллаш оммалашмаган эди. Бу амалиётни илк бор Германия 2007 йилдан қўллаш бошлади. Фискал инкирозга қарши курашда кўпчилик давлатлар ҚҚСни пасайтириш йўлидан борган бир шароитда, Германия аксинча ҚҚСни оширди (3,3 ф.п.га) ва меҳнат ҳақида солиқ

ставкасини пасайтирди (2,3 ф.п.га).

“Фискал девальвация”нинг нарх ва меҳнат ҳақи кўринишидаги икки турини ажратиб кўрсатиш муҳим. Нарх омили мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, нарх даражасининг пасайиши экспортни арзонлаштиради ва импорт билан рақобат учун қулай шароит яратади. Бунинг натижасида жорий ҳисобварақ қолдиғи ҳолати яхшиланади.

Жорий ҳисобварақ қолдиғи ҳолатини меҳнат ҳақи ёрдамида яхшилаш механизмига кўра, давлат секторида бандликнинг пасайиши меҳнат бозоридаишчи кучи таклифининг ортишига ва шу асосда умумий меҳнат ҳақи даражасининг пасайишига олиб келади. Бундан кўринадики, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг арзонлашуви (айниқса меҳнат сиғими юқори бўлган ишлаб чиқаришда) экспорт ҳажмининг ортишига ва импорт ўринбосарлиги самарасининг ўсишига сабаб бўлади.

Айни пайтда, эмпирик тадқиқотлар жорий ва фискал баланс дефицитининг ошишида муайян боғлиқлик борлигини тасдиқлаган ва бу назарий жиҳатдан эгизак дефицит гипотезаси шаклланганлигидан далолатберади.

Эгизак дефицитлар гипотезасига (the twin deficits hypothesis) мувофиқ, йирик фискал дефицит миллий жамғарма ва истеъмол ҳажмига таъсир этиш орқали жорий ҳисобварақ дефицитининг ошишига сабаб бўлади¹⁰².

Моҳиятан бюджет дефицити (масалан, АҚШ мисолида давлат бюджетининг йирик дефицити ҳолатида) ғазначилик облигацияларини сотиш ҳисобига қопланиши боис фоиз ставкаларининг ортишига олиб келади. Бу эса, мамлакатга капитал киримини рағбатлантиради ва АҚШ долларининг қадри ошади. Натижада кучли доллар савдо балансида янги номувофиқликларни келтириб чиқаради.

Айни пайтда, девальвациянинг мамлакат ташқи савдо балансинияхшиланишига хизмат қилиши учун бир қатор шартлар бажарилиши кераклигини ҳам унутмаслик зарур. Мазкур шартлар фанда Маршалл-Лернершартлари сифатида келтирилади.

Республикамиз жорий валюта бозорида чет эл валюталари таклифининг барқарорлиги таъминлаш орқали девальвацион рискдаражасини камайтиришга устувор аҳамият қаратиш зарур. Шу мақсаддаўрта муддатли истиқболда валюта курсининг эркин сузиш режими учун зарурий шарт-шароит сифатида жорий операциялар ҳисобварағи актив қолдиғини таъминлашга қаратилган тузилмавий ислоҳотларни амалга ошириш, экспортга йўналтирилган сиёсатни янада кучайтириш, маҳаллийлаштириш дастурларини самарадорлик нуқтаи назаридан танқидий қайта кўриб чиқиш талаб этилади.

Республикамизда узоқ йиллар амалда бўлган параллел валюта бозорива турли алмашув курслар амалиётидан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш лозимки, номинал алмашув курсини чеклашга бўлган монетар органнинг ҳар қандай аралашуви валюта курсининг фундаментал асосларига зид келар экан, амалда кутилган самарани бермайди.

Шу боисдан, номинал алмашув курси ўзгаришини чеклаш амалиётиданвоз кечиш орқали реал алмашув курсининг ошиши ва пировардида тўлов балансининг ёмонлашиши ҳамда иқтисодиётда девальвацион рискларнинг ортишига барҳам бериш зарур. Натижада номинал алмашув курсининг эгилувчанлигини ошириш орқали реал алмашув курсининг жадалроқ мувофиқлаштирилишини таъминлаш ва шу орқали жорий ҳисобварақ мувозанатини тиклашга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 13-апрелдаги “Капитал

бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сон Фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.

2. Қудратов Ш.Ғ. Ўзбекистон Республикаси фонд бозори ва унинг ривожланишига таъсир қилаётган асосий муаммолар. *Международный научный журнал № 2 (100), част 2 «Научный импульс» сентябрь, 2022. С. 688.*
3. Султонов Ш.Н. Ўзбекистонда фонд бозорини ривожлантириш йўллари. *Иқтисодиёт ва таълим / 2022-йил 5-сон.*
4. Нурмухамедов А.А. Нурмухамедова Б.И. Фонд бозори ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари ва иқтисодий ўсиш билан боғлиқлиги. *"Скиэнке анд Эдукатион" Скиэнтифик Жоурнал. / ИССН 2181-0842 Марч 2023 / Волуме 4 Иссуэ 3*